



СССР ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 195 (13.151).

21 АВГУСТ
1965 йил

ШАНБА

Баҳоси 2 тишин.

ОЗОДАЛИК— САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Кунинча республика матбуотида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Озодалик ва саломатлик ойлғини» ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда област, шаҳар ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, област, шаҳар ва район ижроия комитетларига, касабасоюз, комсомол ташкилотларига, республикадаги барча министрликлар ва муассасаларга оиллик давомиде шахарлар, қишлоқлар ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш учун жуда зарур тадбирлар белгилаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади.

Республикада инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария ҳолатини кун сайин яхшилаб бориш, озодагарчилик ва ободончилик юзасидан гоят катта тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хор янги йилда янги шифохоналар қуришмоқда, мажмуаларда ўрмонлар сони кўпайтирилмоқда, курорт, санаторий, дам олиш уйлари тармоқлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу мақсадлар учун жуда катта маблағ ажратилмоқда. Минглаб квадрат метрлаб қурилатган уй-жойлар, маъмурий бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизда, посёлкаларимизда очилмаётган бог-роғлар, ҳовли ва кўчаларда янги сайн ўтказилган миллион-миллион туп кўчат — буларнинг ҳаммаси бизда инсон саломатлиги, дом бардам ва соғлом бўлиши учун тинмай кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Бирок шуни эътироф этиш керакики, гуллар ва боғлар ўлкаси сўлим республикамизнинг ҳаммиса, яна ҳам кўркам ва озода бўлиши бизнинг ҳар биримизга ҳам боғлиқдир. Бунинг учун ҳар бир киши озодагарчилик масаласида ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўзини ва ўзи яшайдиган, ишлайдиган жойни жуда озода тутиши инсоний бурчдир. Зотан поллари ювилди, суя сепилиб яраклатиб қўйилган хонадонда ҳаёт завоқли ҳаёт, касаллик бўлмайдди. Аксинча ҳовли-жойига сира қарамайди, озода кишининг ортиқча зео-эинат деб ўзини ва атрофига қарамайдиган кишилар тез-тез касалга чалинади, улар ҳаётдан лаззат тола билмайдилар, кўча ва жибонларимизнинг ифлослашиб қолишига кўнчинча шулар сабаби бўлади.

Сен яшайдиган шаҳар сенинг катта хонадонинг — ҳар кунинг кўчаларинда ўтиш ишга бориш, бўш вақтларда қиёзон кезиб, бог оралиб, кўча айланиб тоза ҳаво оласан, унинг барча гузаликлари баҳри-диллигинг очилди. Модомки шундай экан, нега биз ўзимиз яшаб турган шаҳаримиз, кўчаларимиз ва атрофимизнинг ҳаммиса яраклаб туршига ҳисса қўймаймиз? Қоғоз парчасини, папирос қолдиргани ва бошқа чиқиндиларни кўчага ташлаб кетаватдиган одамларни нега тартибга чиқармаймиз? Ҳар бир шаҳар аҳолиси турли чиқиндиларни ерга ташлаш ва уни йиғиштириш учун ҳеч қандай куч бақор келолмайдилар. Ушбу-уст бу қолдиқлар пашшани кўпайтиради. Шунинг учун ота-боболаримиз: «Озодагарчиликнинг боши—сенинг ўзинг» деб бежиз айтмаганлар. Ҳар биримиз озода бўлсан, атрофимизда ҳам шу кўз билан қарасан ҳамма нарса озода ва саранжом бўлади. Бу билан биз шаҳар озодалиги ва унинг санитария ҳолатини яхшилаб боришга даъват этилган ташкилотлардаги айрим ходимларнинг бепарволиги ҳам хотима бера оламиз. Бу масалада республикамизнинг айрим район, шаҳар ва областларида жиддий нуқсонлар содир бўлиб келмоқда.

Жумладан, Бухоро «зангори оловин», минг бир илваланиб турадиган қоракўл териси, шунингдек аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган бошқа маҳсулотлар билан элик хушуд этмоқда. Ааммо шаҳар кезганингизда, айниқса қадимий иморатлар жойлашган кўчаларга йўлингиз тўшганда чанг, ифлос, ахлат уюлмаган кўчалар, таъбиғий хира бўлади. Бу ердаги умумий овқатланш корхоналарида ҳам кўп ҳолларда санитария-гигиена қондаларига риоя қилинмайдиган, бунинг натижасида эса шаҳарда пашша кўп. Областиинг Робекент, Қоракўл, Ромитан, Ёқидовон район марказларида ҳам шу кўнглисиз ҳол содир бўлиб келмоқда. Булар —

Сирдарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРга ҳам тааллуқлидир. Бу областлар ва Автоном республиканинг раҳбарлари шаҳар ва районлар озодалиги ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан жиддий иш олиб боришлари зарур, чора-тадбирлар белгилашлари керак.

Республикамиз пойтахти — Тошкентнинг айрим жойларида озодалик ва санитария ҳолатига эътиборсизлик билан қараётгани эса тамоман кеңиб бормоқда. Пойтахтнинг Чилонзор, Киров, Октябрь районларида аҳоли зин яшайди. Бинобарин, бу районларнинг номмукал кўчалари ҳодимлари гоят катта гайрат билан ишлайшлари, озодагарчилик юзасидан назоратини бир зум ҳам қўйишмасликлари лозим. Бирок шаҳарнинг ҳозирги аҳоли ҳали бу соҳада кўнгина ишлар қилиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Иморат қуришда ишни йўл очиб, унга асфальт ётқиришдан бошлаш — мамлакатимиздаги илгور қурилиш ташкилотларининг намунали ишларидан биридир. Афсуски, республикамизда бу иш қурилишининг сунгги босқичи ҳисобланади. Бу эса шаҳарнинг ифлосланишига, чанг кўпайишига сабаб бўлади. Бинокорлик материаллари ортилган машиналар қурилиш объектларига узулқис қатнаб, қишда лой, ёзда эса шаҳарга чанг олиб киради. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ана шу масала устида фикр юритадиган пайт келди.

Республикада «Озодалик ва саломатлик ойлғини» бошлашди. Бу — ҳар бир кишидан шаҳар ва районларини, посёлка ва қишлоқларини янада озодалаштириш ва уларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш соҳасида олиб бориладиган жуда катта кўламли ишга яқиндан ёрдам беришчи, шахсий намуна кўрсатишчи талаб этади. Ойлик давомиде ўзимиз яшаб турган ҳовли-уяларни, кўчаларни, иш жойимизни намунали ҳолга келтиришда, шаҳар, қишлоқ ва район марказларининг, умумий овқатланш корхоналари ва жамоат бинолари, бозорларнинг озода ва кўркам бўлишида ташаббускор бўлайлик, меҳнатимизни аямайлик. Шаҳар ва қишлоқларимиз, республикамизнинг сўлим жамоли янада очкииб, яраклаб турсин. Бу меҳнат унуқимизни оширадиган, саломатлигимизни яхшилайдиган.

Партия, совет, касабасоюз, комсомол ташкилотлари бу ишда бош-қош бўлишлари зарур. Бутун аҳолини шу ишга сафарбар этиб, унинг ижросини текшириб бориш муассасалар, корхона ва ташкилотлар, колхозлар ва совхозларда озодалик ва саломатлик постлари тўзиб, унга энг яхши ҳодимларни жалб этиш, кўтилган натижага эришиш учун жуда яхши восита бўлиши мумкин. Ҳукуматларда янги ўқув кили болашмишга санолик кўнлар қолди. Ҳукуматлар ва студентлар бу ишда ота-оналарининг энг яқин ва гайратли ёрдамчиларидир. Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети шу кўнларда муҳим чора-тадбирлар белгиланш зарур.

Партия, комсомол, касабасоюз ташкилотлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларини ижроия комитетларининг, министрлик ва ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари ва илмий муассасалар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг вазифаси шундан иборатки, дейилди Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Озодалик ва саломатлик ойлғини» ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарориди, улар қисқа муддат ичида ҳар бир турар-жой, ҳовли, маҳалла, цех, завод, фабрика, қурилиш, колхоз, совхоз, ишчилар посёлкаси, умумий овқатланш корхонаси, шаҳар ва қишлоқ бозорларини санитария ҳолатини тартибга солиш ишига барча аҳолини жалб этиш тадбирларини кўришлари лозим.

Ҳар биримиз бу оқинаб ишга ўзимизни сафарбар этайлик, қадри дўстлар. Озодалик — инсон соғлигининг гарови. Ўзимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни шундай озода тутайликки, орамизга касаллик қўла-масин.

ДУСТОНА СУХБАТ

ЖАКАРТА, 19 август. (ТАСС). Индонезия президенти Сукарно бугун Мердена саройида Индонезия Республикасининг 20 йиллиги байрамига қатнашиш учун Жакартага келган Совет ҳукумат делегациясини қабул қилди. Президент Сукарно билан Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мауоров ўртасида узоқ суҳбат бўлди. Бу суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Президент Сукарно билан Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мауоров ўртасида узоқ суҳбат бўлди. Бу суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ДЕҲҚОН КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАР

«Терим ҳам қувонч, ҳам ташвиш, ҳам гайрат, ҳам ғалаба келтирди. Лекин сергайрат, табиқор, қаққон кишиларгина теримда ғалабага ёр бўлади. Терим йилловларини, дангасаларини, лапашанларини ётирмайди».

Бир гурӯҳ пахта усталарининг яқинда матбуотда эълон қилинган оқи ҳатидида ана шу сўзлар ҳар биримизнинг қалбидан кенг ўрин олади. Колхозимиз аъзолари ҳам бу хатини сатрма-сатр ўқиб, гўё парваршишни янада жадаллаштириш билан бирга, ҳосил йиғим-теримига тайёргарчиликларини ҳар қачондан ҳам қизитиб юбордилар. Оқин хатта жавобан гектардан 24 центнердан эмас, балки 29 центнерга етказиб «оқ олтин» топиришти ахд қилди. Давлатга топиришадиган 4.800 тонна пахтадан 4.150 тоннаси «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди.

Ҳўжалигимизда 49 та пахта териш машинаси бор. Биз уларнинг қарийб ҳаммасини йиғим-терим мавсумига шай қилиб қўйдик. Бундан ташқари яқинда

тағин 12 та «ХТ-1,2» маркали терим машинаси сотиб олдик. Шундай қилиб, агрегатлар сони 61 тага етказилди.

Янги ҳосилнинг 70 процентини машиналарда териб олишни мўлжаллаб, бу ишга ҳозирлаб қўйилган тадбирларни қўйилди. Машина теримига ажратилган майдонлардаги гўзалар алоҳида парварши қилинган. Яқин кўнларда дефолацияга қиришмаси ва уни узоғи билан бир ҳафта ичида сифатли ўтказамиз. Шундан кейин машиналар теримга тўшади.

Оқин хатда барча пахтакорларнинг фикр-туйғуларини баён этилган. Шу муносабат билан колхозимиз механизаторлари ҳосилни ҳаво очиб қўнларда туза-туқин йиғиштириб олиш учун ташаббус бошлаб бердилар. Республикада хизмат кўрсатган меҳнаткор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулҳайдар Усмонов, Сиддик Солиқов, Ҳошим Раҳмонов, Иброҳим Сиддиқов, Орифжон Эрматов ва бошқа меҳнатқўйдовчиларимиз мавсум нормасини икки баравар ошириб бажариш, бунда айниқса териладиган



Пастдаргом райониди-
ги «Коммунизм» кол-
хозининг илгор меҳна-
сатари Эгамберди Ума-
ров ўзи биритилган
бригадининг барча май-
донларидаги гўзани бе-
шинчи культивациядан
чиқаришти. Суратда: ўр-
тон З. Умаров.
А. Кузьменко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛҲОМ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК,

ЮРАК СЎЗЛАРИ

Оқин хатдаги жанг-вар қаққирқилар ҳаммамизни янги ишларга, янги курашларга чорламоқда, янги марш-парага, янги марш-парага, янги марш-парага...

Ҳўжалигимиз унча катта эмас, атиги 680 гектар ерга чигит экан. Менимча, деҳқон ишчи гектарлар билан ўлчанмайди. Пахта майдонларимиз баланд-паст, аникроғи адрлар бағрида жойлашган. Деҳқончилик учун жуда ноқулай. Шундай бўлса ҳам адирилардан мўл ҳосил етиштиряймиз.

Бултур ҳар гектар ердан 28,5 центнердан «оқ олтин» териб олган эдик. Бу йилги мўлжалимиз—30 центнердан. Гапнинг лўнда-си—яхши. Ҳўжалигимизда ҳосилдорлик йил сайин охиб борапти. 1957 йилда колхозимиз деҳқонлари ҳар гектар ердан 16,9 центнердан ҳосил йиғиб олишганди. Эндиликда колхозимиз ҳосилдорлик жиҳатидан районда учинчи ўринда.

Ҳосилдорликнинг кескин оширилишига сабаб нима? Гапни узоқдан бошлашга тўғри келмади. 1962 йилнинг баҳори эди. Қишлоқимиздаги бутун деҳқонлар колхознинг шон-шухрати учун юрши бошладилар. Та-шаббуснинг илҳомчи-

лари қишлоқ қариялари бўлишди. 87 отахон колхоз ҳўжалигини кўтаришга бел боғладилар. Улардан иккита пахтачилик бригадаси тўзилиди. 85 бахорини кўрган Ражаб ота Саримсоқов 15 гектар ер олиб, деҳқончилик қилди. Раҳим ота Солиқов, Абдулҳайдар ота Юнусхўжаевлар 10 гектардан ерга чигит экишди. Кеска пахтакорлар ҳар бир ниҳолни меҳр суви билан суғоришди, қалб қўри билан парварши қилди. Илгари 16-17 центнердан хирмон қўрилган майдонларнинг гектаридан 35-40 центнердан ҳосил териб олинди.

Миришкор деҳқонларнинг ватанпарварлик ҳаракати қишлоқимиздаги ишга яроқли барча кишиларни янги зафарлар сари илҳомлаштириб юборди. Ҳамма пахта учун курашга берилиб кетди. Биз, правление аъзолари мурди — майдонларни рағбатлантирдик. Улар бошлаган курашга яқинда раҳбарлик қилдик.

Кам ҳосилли инкичи бригадига тақрибан механизатор Солиқов Боқиқонов, еттинчи бригадига Х. Салимов ўртоқларини бошқиб қилиб тайинланди. Ҳозир бу бригадалар колхозимиздаги энг юқори ҳосилли бригадалар ҳисобланади.

Бу йилги ҳосилнинг қўғи баъзи эмас. 70 километр узоқ масофадан сув келтириб ўстирилган гўзаларимизда шигил-шигил шона, гўл, қўсак битди. Олди

кўсаклар етилиб, дур-донага айланиб қолди. Бунга эришмоқ учун гўза қатор ораларини етти марта узунасига, салкам олти марта кўндалангига ишлашди. Уч марта озиқлантирдик. Пахтакорларнинг оқин хатида: «Агар сен ҳаққини, жоққуяр пахтакор бўлсанг — ҳаво айнидиган кезларга ҳам бир чигит пахтани ҳам чаногиде қолдирма!» деган шир ўртага ташланганди. Бу жуда тўғри гап. Биз хатта баён қилинган масала-хатларга асосан, йиғим-терим кампаниясини уюшқонлик билан ўтказиш режаларини тўзиб қўйдик. 20 та хирмон жойининг 10 та сифатли асфальт ётқирилди. 12 та катта, 20 та кичик тарози тайёр, 10 та прицеп, 10 та арава, 6 та автомашина пахта ташинишга шай. Улар пахтани қон-қорасиз ташинишга мослаштирилди. Ҳар бир теримчига етарли миқдорда этак келтириб қўйдик. Кейинги йилларда теримчилар учун мавсум нормасини белгилаш тартибига қилиб қўйдик. Бу тақриб саноадан муваффақиятли ўтди. Шунинг учун бу йил ҳам ҳар бир киши учун терим нормаси белгилаб қилинди. Терим илгоруларини мувофотлаб тура-миш. Теримчиларга ҳар ўн кунда иш ҳақи бериб бориладди.

Бизнинг режаларимиз ана шулардан иборат. Яна шунинг айтмоқчиманки, пахта терими қизғин бошлангунга қадар гўза қатор ораларини ишлашни сира тўхтатмаймиз.

Тошталла МАМАТОВ, Андижон область Чуст районидида «Ленинград» колхозининг раиси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

УРУҒЛИК БЕДА ЎРИБ ОЛИНДИ

НУКУС. Бердах номи совхоз уруғлик беда ўрминини Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб тугаллади. Навбёт Санаров ва Қўлжонбой Хўжанов бошлиқ бригадалар ҳар гектардан икки центнердан ошириб уруғ йиғиб олмақдалар. Бедачилик чорвачилик ҳўжалигининг фойдали тармоғидир. Совхоз меҳнаткашлари бу йил давлатга қамда 400 центнер уруғ топириб, 80 минг сўмдан кўпроқ фойда олишни мўлжалламоқдалар. Бундан ташқари, кўп миқдорда ханак тайёрланади. Фермаларнинг ҳодимлари 690 тонна пичан гарамлаб қўйдилар.

ЕР ОСТИ СУВИ—ДАЛАГА

ТУЛИСТОН. Мирзачўлда қойлашган 1-«Вобут» совхозининг Мунирбой Эгамияров бошлиқ бригадаси бедаюлариде мўл ҳосил етиштирилди. Далапарини меҳнаткашлари учинчи ўрмини тўмлаб, ўл мавсумидаги ҳосилдан бажариб қўйдилар. Ҳар гектар ердан 85 центнер беда ўрив олинди. Деҳқонлар ана шу далапарини суғоришга киришдилар. Бу эса ўт ўсишини тезлаштиради ва тўртинчи ўрмини ўтказиш имконини беради. Бригада бу йил уруғлик бедани суғормай ўстирди. Қаддини ростлаб олган ўсимликлар уларнинг мустақам нафис системаси билан ер ости сувида фойдаланди. Бедани бундай чигитириш уруғ ҳосил қилишга яхши таъсир кўрсатди. Уруғ тўла пишиб етилган ҳозирги вақтда ҳар гектаридида 7-8 центнер уруғ йиғиб олинмоқда. Бу эса топиришдаги нисбатан уч баравар кўпдир.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

БЕКОБОД (ЎзТАГ). Цемент комбинатининг коллектив йиллик мажбурият ҳисобига сунгги ўнлаб тонна цемент юнатибди. Бутун қўшимча маҳсулот — уч минг тонна цемент йиғи марказлар билан топирилади. Бекободчилар Ўрта Осиё ва Қозғистондаги ўн иккита уйсозлик комбинатига уларнинг тез қотувчи цементини етказиб бермоқдалар. Комбинат Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, «йул» цементи ишлаб чиқаришни ўлаштирди.

ПАХТАКОР ДҮСТЛАР

ПАХТА ДАЛАРИДА

ҚўРҒОНТЕПА. Меҳнат Қизил байроқ ордени Абдулла Абдукаримов бошлиқ бригада райондаги «Коммунизм» колхозиде мўл ҳосилли коллективлардан бири ҳисобланади. Бригада аъзалари 123 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон қўриш иштинидега гайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётганди.

М. КАМОЛОВ.

ШАҲРИСАБЗ. Қуйбешев номи колхозининг коммунет ўртоғи Н. Абдурахмонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосилга-ҳосил қўниш қизғин давом этаётган шу кўнларда янада уюшқонлик билан меҳнат қилаётганди. Бригада далапарини кўзда нечаревини қизғин меҳнат самарасини аниқ кўрсатди. Ҳар туп гўзада 12-14 тадан тўқ қўсак ҳосил қилинган.

М. ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШ- ТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент область Янгийўл районидида «Шарқ юлдузи» колхозининг собиқ раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутаты Ҳамроқул Турсунқуловнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида, жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг хоҳишини эътиборга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидагиларга Ҳамроқул Турсунқулов номиини беришга қарор қилдилар:

Тошкент область Янгийўл районидида «Шарқ юлдузи» колхозига, Фарғона область Фарғона районидида «Коммуна» колхозига, Тошкент область Янгийўл районидида 1-мактаб-интернатга, Фарғона область Фарғона районидида 10-ўрта умумий таълим мактабига, Тошкент шаҳар Чилонзор районидида Проектная (Зовур) кўчасига.

Тошкент область Янгийўл районидида «Шарқ юлдузи» колхозининг маданийт саройида Ҳамроқул Турсунқуловнинг ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли материаллардан иборат музей ташкил қилишга ҳам қарор қилинди.


Биз 1 сентябрда теримга тушамиз ва 50 кунда, яъни 20 октябрда ҳафта тайерлаш йиллик планини бажарамиз. Сўнгра бутун куч мажбуриятни бажаришга қаратилади. Бу, илгор пахтакорларнинг ватанпарварлик қаққирғига бўлган амалий жавобимиз бўлади.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм область Шовот рай-
онидида «Москва» колхозининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон Компартияси Қаша-дарь область комитетининг иккинчи секретари, Азизовлар Меркулов Илхомий партия органдарида кўп йил ишлашганига учун ва туғилганига эллик йил бўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонию мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мунофотланди.

Х. ҲАМРОҚУЛОВ,
Тошкент область Бекобод районидида Ленин номи колхоз раиси.



ШАХМАТ ОЛАМИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

Жаҳон биринчилиги учун давлатларнинг қилган вейригиллик Лайонел Портис, югославиялик Борислав Йован, латвиялик Бенгт Ларсен, СССР вакили Михаил Таль биринчи даражадаги гроссмейстерлар акадиги маълум. Чорак финалда Йованни енган Ларсен ва Портисдан устуни чиққан Таль қай даражадаги шахматчи эканликлари ҳақида кўп гапириб, ўтиришнинг ҳолати йўл. Шундай бўлсада, ярим финалда ўзаро учрашган бу икки йirik шахмат гитантини бир оз таърифлашга тўғри келади, бунинг чегараси ўтиш қийин. Бир неча бор Дания ва Скандинавия мамлакатлари чемпионлиги бўлган, жаҳон олимпиадалари, айниқса 1966 йилда Москвада ўтказилган шахматчилар форумида Вотикиниқин ҳам ўзидан ортда қолдириб юксак натижа кўрсатган, кўпгина халқаро турнирларда мукофотли ўринларни эгаллаган Ларсен, сойиқ жаҳон чемпиони риталинг гроссмейстер Михаил Талга лойиқ рақиб эканлигини намойиш қилди. Никола рақиб ҳам актив ҳужумкор услубдаги шахматчи бўлганликлари туфайли матчидаги дастлабки партиясидақоқ кураш қийини турсо одди.

Айрим партиялар қатъий позицияда давом этишига қарамай, булар ҳам эр таътиқ зарбавлардан холи бўлмади. Даниялик гроссмейстеринг биринчи турда эришган аjoyиб галабаси кўпчилиқни ҳаяжонга солиди. Талини эса, «хўшга келмади».

Ниничи уршуву биринчи сизил ҳам кескинроқ давом этиди. Тахтда янжуқта келган чигалли ва «тузу»ларини ечишда эътиборли қилган Таль голиб чиқди ва ҳисоби баъаравар бўлди. Учинчи ва тўртинчи партиялар дурани натижа берди — ҳисоб 2:2 бўлди.

Энди гал кейинги партияда ким кўп очко тўплашида қолган эди. Бешинчи партияда Ларсен, кейингисиде эса Таль оқ доналар билан ўйнади. Устуниқ оқларда бўлди. Ҳисоб 3:3.

Еттинчи партия ҳаддан ташқари мураккаб ва кескин ўтди. Бир вақтинг ўзиде оқ ва қора доналарнинг етти-санагиза сиз биринчи ҳужум остида қолди. Уларнинг қайси бирини оқди, қайсисини бериш керак, элиқини қисқа муддатда хал қилиш — рақиблар маҳоратида сизил эди. Таль бу сизилни «бўга топишган бўлса, оғир ахволдан қутулиш» чорасини топиб, мағлубиятини четлаб ўтган Ларсен ҳам шу баҳода лойиқ саясийини намойиш қилди. Санагизини партия ҳам бундан аялласиз қаби дурани бўлди. Ҳисоб 4:4. Тўққизинчи партияда оқ доналар яна Ларсенга ўтди. Ёни бошида у ўз доналарини жулда ҳаракатчан ва қўлиқ мойлаштиришга эришди. Таль ахволи тегилаштиришга, ҳатто ўз сипоҳларини дахшати позицияларини ағдаришга муваффақ бўлди. Бироқ, кейинги вақтинг таътиқ, элиқини нормал давом этиши имконини бермади. Кейинги партияда позиция ригали гроссмейстеринг бир пиласи еттишмаси. Шунга бу ўйинни аябига ютмади, дейишга қарамай, Таль яна бир нахрамонлиқ кўрсатди. Тўққизинчи партияда Ларсен дурани таътиқ қилди, Таль рои бўлди. Ҳисоб 4:5:4.

Чорак финалда санагизада, ўзаро тўққизтадан ба ҳаммаси бўлиб кетма-кеч 17 партия ўйнаган бу икки шахматчининг асаб торлари қанчалик таранг қолганга келганини пайқати қийин эмас. Аввалги курашлар шу, охириги уршуву учун ўтказилган-ку!

10-партия бошланди. Рақиблар 64 натақиниқ уйисидан бунисига тоқатсизлиқ билан қўчаётган йўлбарсларини еслатишарди. Бир очко—охириги «ёла»нинг талашаётган рақиблар аса овоз чиқармай, бир-бирларига «хўш» қилишарди. Таль 16-юртида бир отини фақат бир пилбига берганда зал сув сепгандай ким бўлиб қолди. Ташаббусини ўз қўлига олиш мақсадида Ларсен олган сипоҳиқ қайтарилди, лекин бу ҳал «касал»га қор қилмади. Ларсен кейингидаги тахт Таль шундай қаттиқ зарбавлар бера бошлагани, бундан Ларсен ўзини ўнғай олмади: мот хавфга еттиди. Шундай қилиб 5:5:4:5 ҳисобида совет шахматчиси Михаил Таль қаршидаги ениди. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) белгиланган шартга мувофиқ шу қўлда ярим финал голиблари Борис Спасский билан Михаил Таль финал матчи ўйнайдилар. 12 партиядан иборат баҳада ким голиб чиқса, 1968 йилинг Н. Тетросян билан 24 партиядан иборат матчи ўйнади.

— Энди Спасский билан ўйнашим керак ва Петросян билан бўладиган матчи қандайдигина беришдан қатъий назар, шахмат тоғи Совет Иттифоқиде қозилишнинг эътирофи оғир меинга ҳузуру бағишлайди, — деди М. Таль.

М. МУХИДИНОВ,
СССР спорт мастери,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси.

Британия экономикаси оғир аҳволда.

Кобил радиосининг айтганлари.

Лос-Анжелосдаги аҳвол.

Империалистлар қутурмоқда.

ХАЛҚАРО АХВОЛ

АНГЛИЯ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ

Англиянинг мустамлакалар министри Антони Гринвуд июль ойининг охирида жуда махфий равишда Адагга келди. Англия мустамлакачилик сийсатининг раҳбари Адагга келганлиги шу қадар махфий сир қилиб сақлангани, ҳатто унинг келмуқчи бўлганлиги Адаг бош министри Абди Қавий Макавийга олдиндан хабар қилинмаган эди.

Гринвуднинг бу сафаридан қузатиладиган мақсад бўлмаган Янубий Арабистон «бирлашган» давлатининг конституцияни белгилаб олишга бағишланган Лондон конференциясини қадрини «ўрсатилади» самарасиз идеяни яна қайтаришдан иборат бўлди. Англия маъна шу давлатга 1968 йилда мустаккилик бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган эди.

Хозирги лебористлар ҳукумати Арабистон ярим оролининг жанубида дуч келаётган қийинчиликлар унга қараб серагторлар ҳукуматидан мерос бўлиб қолган қийинчиликлариди. Конституция масаласига бағишланган, 1964 йил июль ойида Лондонда ўтказилган конференция муваффақиятсизликка учраганлиги ҳали ҳам ҳаммамнинг эсида. Шу конференцияда Янубий Арабистон федерациясининг асосчиларидан бири бўлган султон Аҳмад Ал-Фалл конференцияга баҳо берди, уни «бўтун Янубий Арабистондаги миллий элементларни йўқ қилиш мақсадида тайёрланган фита» деб айтган эди ва менинг султонлигим федерация саставидан чиқадиган, деб эълон қилган эди.

Англия ҳукумати шу йил март ойида яна шундай конференция қадриниқ уринган эди. Бу уриниш ҳам батамом муваффақиятсизликка учради. Яна бунинг устига, конференция барбод бўлганлиги натижасида ҳукумат танглиги бошланган кетди ва бунинг натижасида Адагга ҳокимиятини оппозиция раҳбарларидан бири бўлган, Англиянинг Арабистон жанубидаги сийсатига қарши мутасил курашиб келаётган Абди Қавий Макавий ўз қўлига олди. Илгаринг кўнруқ ҳукуматларининг ҳаммасидан Макавийнинг фарқи шу бўлгани, у мана шу райондаги инглиз мустамлакачилик маъмуриятининг бошчилиги олий комиссар Ричард Тарбуллага ўзининг қилуни бериб қўйди. Макавий бош министр бўлиб ишга тушган қувилдан бошладиган Арабистон жануби учун демократик конституция жорий қилинишини талаб этиди. Жумладан, у бундай деган эди: «Адаг конституциясининг ҳар бир сажҳасида олий комиссар тилга олинган, унга бош министрнинг ҳуқуқларини жулда номатлуб равишда четлаб қўйган гоё кенг ваколатлар бериладган, Менинг министрларим ва ўзим, — деб таъкидлади у, — сохта ёки қалбакилаштирилган ҳар қандай мустақилликдан воз кечамиз ва ҳаммиза воз кеча берамиз».

Англия баъзининг келажига тўғрисидаги резолюцияни Адаг ҳукумати қонун чиқарувчи кенгаш (парламент) депутатларининг муҳокамасига қўйди. Мулоффа ва ташқи сийсат масалаларини қонун чиқарувчи кенгашда муҳокама қилиниш тақдирлаб қўйган Адаг конституцияси Макавийнинг ҳамма ҳуқуқларини четлаб қўйганлиги сабабли, у, Англия базасини тутатиш тўғрисидаги ўзининг талабини муажмалор гаплар билан таърифлаб тақдир этиди. Бироқ, эртасидеёқ у, мен ҳарбий бозари ҳеч сўзсиз кўчириб юборишни назарда тутайтирман, деб даггал қўшутириб берди. Бу резолюцияни парламентдаги мутлақ кўпчилик маъқуллади.

Адаг аҳолисининг кўп қисми Ямадан келиб ўрнашиб қолган ва ўзининг сойиқ ватани билан алоқасини маҳкам сақлаб келаётган кишилариди. Буларнинг кўплари малакаи ишчилар бўлиб, улар 25 мингга яқин аъзоси бўлган ва катта нуфузга эга қасаба союزلар конгрессиде бирлашганлар. Табиийдир, улар Англиянинг ҳуқумкор доиралари Адагнинг Яман Араб Республикасига қарши агрессия уйсига айлантираётганликлари, Янубий Арабистондаги баъзи султонликлари эса Яманнинг чегара пунктларига қарши иттироқликлар қилиш учун пландадаги айлантираётганликлари билан қараб тура олмайлар ва бунга бепарво бўлиши истамаллар. Бу муҳим масала Макавий ҳукуматининг лиғи сийсатиде ҳам ўз ифодасини топти. Бош министр Яманнинг республика режимиини дарҳол танишга қайрди ва «Яман Республикасидаги қардошларимизга қарши фитналар ташкил қилинганда ва душманлик тарғатиладиган базас» тариқасиде Адаг территориясидан фойдаланишга рухсат беролмайман, деди. Англия, деди у, «тич қабилаларга нисбатан эълим ва эъраолиқ ҳаракатларини» тўхтатиши лозим.

Байрутда чиқадиган «Аланвар» газетаси Адагнинг сийсат ҳаётида сўлга томон муайян сийлиш бўлаётганлигини

Республикадаги бурдоқчилик ҳўжаликлари чорва моллар озуқасига қўшилган қимматли химиявий моддалар махсус бассейнларда тайерлашни ўзлаштирилди. Шу мақсадда дастлаб 20 та установка қурилди. Суратда: Тошкентдаги маркази бурдоқчилик базасида бир кеча кундузда 10 тонна химиявий модда ишлаб чиқарадиган мамлакатда энг кучли установканинг ишини йўлга қўйиш пайти.

А. Еришов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

АНГЛИЯ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ

қайд қилиб, бундай деб ёзди: «Шуни эътироф қилмоқ керакки, Макавийнинг айтган гаплари Англиянинг Эрта Шарқдаги сийсати жуда катта муваффақиятсизликка учраётганлигини кўрсатувчи гапларнинг бири бўлди».

Шундай бўлса ҳам, мустамлакалар министрлиги Янубий Арабистоннинг келажатини конституция воситаси билан қай қилиш масаласида ўз вариантини ўтказишга қарор қилди. Шамойли Родезиянинг сойиқ губернатори Эвелин Хоу бошчилигида «конституция комиссияси» тузилганлиги тўғрисида Лондонда эълон қилди. Англия ҳукумати бу комиссияга «халқаро» ташкилот тусини бермоқ учун Суданининг сойиқ бош сулҳис Мухаммад Абу Ранаатга мурожаат қилиб, ундан шу комиссия ишида қатнашини илтимос қилди. Араб мамлакатларининг жамоатчилиги Англиянинг бу янги планини тез фурсатда фох қилиб ташлади. Макавий комиссия аъзоларининг мамлакатда келишига рухсат бермаслиқ тўғрисида қарор қабул қилди. Мана шу кескин норозилиқ, шунингдек «бетаграф» аъзо деб ҳисобланган Абу Ранаат комиссия саставидан чиқиб кетганлиги Англия ҳукуматини ўз фикридан қайтишга мажбур қилди.

Мана шуларнинг ҳаммасини қўриб, Гринвуд воқеалар бўлаётган жойга ўзи боришга мажбур бўлди. Гринвуд федерациядаги ва Адагдаги мансабдор шахслар билан, сийсат партияларининг вакиллари билан ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан суҳбатлар ўтказиб, Лондонда, шу йил декабрда бўлажак Янубий Арабистон давлатининг конституция тузилиши масалаларига бағишланган конференция ўтказишни яна тақдир қилди. Мана шуларнинг ҳаммаси Англия мустамлака сийсатининг раҳбарлари яна найрангбозлиқ, самарасиз вайдалар бериш ва қўпол таътиқ ўтказиш йўлидан боришга қарор қилганликларини кўрсатиб турибди.

Адагга ва Янубий Арабистонга бағишланган ўтказилмоқчи бўлган конституция конференциянинг кун тартибинини ишлаб чиқувчи группа 3 августда Лондонда ўз ишнини бошлади. Бу группа саставида Янубий Арабистон Федерацияси, Адагнинг вакиллари, шунингдек федерацияга аъзо бўлмаган Кайти ва Касири султонликлариининг вакиллари ҳамда Арабистон жанубидаги бир қанча сийсат партияларининг вакиллари бор эди. Бу гуруҳларнинг иши ҳам одагидеги муваффақиятсизлик билан куталди. Гринвуднинг ўзи 8 августда гапирди. Адаг ва Янубий Арабистондаги бир қанча султонликлариининг делегатлари «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюциясига ўз процент қўйишнинг» талаб қилиб, сира мурса қилиб бўлмайдиган йўлга қўшиб олганликлари битмига келишга асосий ғов бўлиб қолди, деди. (1963 йилнинг декабрда қўйилган овоз билан қабул қилинган бу резолюцияда, жумладан, Англиянинг Адагга базасини тутатиш талаб қилинган). Адагнинг бош министри Макавий ва халқ социалистик партиясининг раҳбари Абдулла Алсанж конференциянинг муваффақият қозонишини таъминлайдиган тарғатчи тариқасида фавулодда ҳолатни ҳеч сўзсиз беқор қилиш ва сийсат маҳбўсларини қамқондан чиқариб юборишни талаб қилдилар. Англиянинг мустамлакачилик маъмурияти бу талабни қабул қилишдан бунунлай боз тортиди.

Макавий матбуот конференциясиде гапирди, Англия ҳукумати шу район халқларининг манфаатлари ҳисобидан муваққат сийсатий манфаатлари қўлга киритиш йўлини аввалгиде ўтказиб берадиган, ёки аввалги мустамлакачилик сийсатини тубдан ўзгартирадиган, мана шу йил Англия ҳукумати жуда муайян шўрларда таърифлаб бериш лозим, деди. Лондонда чиқадиган «Санд таймс» газетаси янгида маъсуллик билан қувидати фикрларини ёзди: «Адагга Англия сийсатини иттилоқ бўлиб ўтказиладиган ҳукумат тузиш тобора қийинроқ бўлиб қолмоқда».

Лондондаги «Дейли мйррор» газетаси ҳам бу тўғрида мағола босиб чиқарди. Газета «Сунайш каналининг шарқиде тинчликни сақлаб туриш» тўғрисидаги гаплар қувидати қистададиган гаплар бўлмоқда, деб ёзди. Бунинг уддалаш бизнинг қўлимиздан келмайди, — дейилади газетанинг мақоласида. — Ўтмишдаги империяни кўмсаб ўз зиммасига олган мажбуриятларини кўп жиҳатдан қайтадан қўриб чиқишимиз зарур. «Дейли мйррор» газетасидеги мақолаининг охирида бундай дейилади: «Адагдан Узоқ Шарққа қўйилган ҳарбий базаларини сақлаб қолишга энди Англия мутлақо қодир бўлмолай қолди».

Ю. ТИССОВСКИЙ,

(ТАСС).

КИМ ЭНГ ЯХШИ ЁДГОРЛИК ЎЙЛАБ ТОПАДИ?

Ўзбекистонга келган ҳар бир кишининг республикамадан ёдгорлик тариқасида бирон чироили ва қизиқ нарса ёки аjoyиб ўзбек устаслари ясаган бирон буюмини олиб кетгиси келади. Республика шахрларидаги намунали магзини ва дўконларда ҳар хил ёдгорликлар ва совғалар сотилмоқда. Лекин бундай буюмларнинг хиллари тагин ҳам кўпроқ бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Савдо палатаси энг яхши ёдгорлик ва совға буюм учун ошқ конкурс эълон қилди. Барча хоҳлаган кишилар ва коллективлар бу конкурсда иштирок этишлари мумкин.

Конкурсга тақдим қилинадиган ёдгорлик ва совға буюмлари ўзбек халқининг миллий ижодкорлигини ва турмушининг, республиканинг диққатга сазовор жиҳатларини, унинг фан ва техникаси эришган ютуқларини акс эттириши керак. Конкурсга юбориладиган намуналар натурал ҳажмда бўлиши, шу буюмини кўп-лаб ясаб жараёнида ишлатиладиган материалдан ёки ёрдамчи материалдан тай-

ёрланиши лозим, лекин асосий материалга ўхшаган бўлиши шарт. Исталган материални — металл, пластмасса, ойна, керамика, галлазма, чарм ва чарм ўриндошлари, қоғоз, ёғоч, суяк ва шу қабилларни ишлатиш мумкин.

Савдо палатаси экспертлар кенгаши ёдгорлик буюмларининг фақат бадиний қимматига эмас, балки шу буюмларни кўп-лаб ишлаб чиқариш вақтида энг арзон нархлар билан сотиш имкониятини ҳам ҳисобга олади. Конкурсга тақдим қилинган ёдгорлик буюмларининг энг яхши намуналарини учун ҳар бири 300 сўмдан иккита биринчи мукофот, ҳар бири 200 сўмдан учта иккинчи, ҳар бири 150 сўмдан бешта учинчи, шунингдек ҳар бири 50 сўмдан йигирма бешта рағбатлантирувчи мукофот белгиланди.

Конкурсга юбориладиган ишларни Ўзбекистон ССР савдо палатаси шу йил 25 октябрда қабул қилади. Унинг адреси — Тошкент шахри, Правда Востока кўчаси, 25-уй. (ЎзТАГ).

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ АЖОЙИБ НАМУНАСИ

сида сўнги 10 йил мобайнида Афғонистон қўлга киритган муваффақиятлар тинч-тотув яшашнинг ёрқин намунаси деб ўқитилади.

«Қабул таймс» газетаси подшо Совет Иттифоқидан қайтиб келгандан кейин унинг Бахтар агентлиги муҳбирига берган баёнотини эълон қилди. «Мен ва малика, — деди Мухаммад Зоҳир пох, — СССРга қилган визитининг вақтида Совет давлатининг раҳбарлари ва халқи томонидан қизгин кутиб олинди. Бизга кўрсатилган самимий илтифот иккала мамлакатини ўртасидеги дўстона алоқалар аънаванинг бўлиб қолганлигидан ва муттасил ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Аф-

ғонистон халқи совет халқининг тараққиётга қизиқиб қараётганлиги сингари совет кишилари ҳам Афғонистоннинг ривожланиши ва унинг ўсиб бораётган экономикаси билан астойдил қизиқайтганликларини биз яна бир қараб тушушимиз».

Подшо Мухаммад Зоҳир похнинг Совет Иттифоқига қилган визити деб ёзди ана шу газета. Афғонистон — Совет муносабатларида янги саҳифа очди. «Бизнинг муносабатларимиз, — дейилади мақолада, — яхши ва тотув қўшничилик муносабатларининг аjoyиб намунаси. Биз бошқа давлатларнинг ҳам ундан ўрнак олишларини истаймиз».

ҲОЙДАЛИ СЕМИНАР

Улан-Баторда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда қатнашишига бағишланган семинарнинг якуновчи мажлиси бўлди. Бу семинарни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Монголия Халқ Республикаси ҳукумати билан ҳамкорликда ўтказди. Осиё ва Узоқ Шарқдаги 12 мамлакатнинг вакиллари икки ҳафта мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда, шу жумладан иқтисодий ва маданий қурилишда иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар ва ижтимоий ишларда хотин-қизларнинг ролини оширишга қаратилган тадбирлар қўриб чиқилди.

Куба Компартиясининг юбилейи

Куба пойтахтидаги энг йirik «Чеплин» театрида компартия ташкил қилинган кунинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йилгили бўлиб ўтди. Куба Социалистик революция Бирлашган партияси миллий раҳбарлигининг аъзоси Армандо Харт Давелос йилгилида катта нутқ сўзлади. У, Магачо диктатурасини ағдариб ташлашда, марксизм-ленинизм ғояларини йиғишда, халқи идеологик жиҳатдан тарбиялашда компартия жуда катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтди. Нотик халқаро коммунист ҳаракат бирлигини мустақамлаш заруриятини ўқитиб ўтди.

ҚОНЛИ ЎЧ

Хартфорд шахрнинг (Коннектикут штати) аҳолисида 300 га яқин киши мингиде тўланиб, полициянинг Лос-Анжелос негрларидан қонли ўч олганлигига қарши норозилиқ билдирди. Мингит қатнашчилари символлик тобунти муниқипалитет бивосига қўтариб бордилар. Намойишчилар бу тобунти бивосига

нинг зинапоёсига қўймоқчи бўлганлариде полиция уларга ҳужум қилди. Америка агентликлариининг Хартфорддан хабар беришларича, намойишчилар билан полиция ўртасида тўққизинчи бўлган. Бу тўққизинчи натижасида намойишчилардан 22 киши қамқоққа олинган. (ТАСС).

Шарқий Африка мамлакатларининг раҳбарлари учрашдилар

НАЙРОБИ, 19 август. (ТАСС). Бугун Кениянинг пойтахтида Кения Республикасининг президенти Жоно Кениата, Танзания Республикасининг президенти Жулус Ньерере ва Уганда Бош министри Милтон Оботе учрашдилар.

Шарқий Африкадаги уч мамлакатнинг раҳбари (булар айни вақтда Кения, Танзания ва Угандадаги маъмурий, илмий ва иттиқодий гашинлотларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб борувчи Шарқий Африка

мамлакатлари умумий хизмати ташкилотининг раҳбарлариди) музоаралар давомида ўз мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга тааллуқли бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Бу учрашув Танзания президенти Жулус Ньереренинг ташаббуси билан уюштирилди. Жулус Ньерере Шарқий Африка Федерациясини вужудга келтириш йўлида қатъий эҳди қилишга даъват этган эди.

СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

ЛАГОС, 19 август. (ТАСС). Жанубий Родезия билан муносабатларда сўздан амалий ишга ўтиш вақти келди, деди Йонни ташқи ишлар министри Жозеф Муромби телехавбасида. Очқилишни ташкил этган оқ талири иричлар ҳукумати Африканинг устидан ўз ҳуқуқдорлигини абадийлаштиришга уринибётган Жанубий Родезияга вужудга келган визият ҳа-

қида гапириб, Ж. Муромби унатиш ва ўтгизлаш вақтлари ўтиб кетди, деди. Визлар жула кўп резолюция қабул қилини, лекин бу резолюциялар ҳеч қандай натижа бермади. Хозирги вақтда амалий тадбирлар қўриш зарур. Африка бирлиги ташкилоти бундан кейин «Жанубий Родезия ҳукумати билан курул ёрдамида гаплашиш керак».

Вьетнамдаги урушга яна бир неча миллиард доллар сарфланади

НЬО-ПОРК, 19 август. (ТАСС). Кеча АҚШ конгрессининг мағлаб ажратиш билан шуғулланувчи сенат комиссияси Вьетнамдаги уруш харажатларини қоплаш учун 1,7 миллиард доллар ажратишни маъқуллади. Вьетнамдаги разил уруш-

га яна бир неча миллиард доллар мағлаб АҚШ мулоффа министри Макнамаранинг илтимосига кўра ажратилмоқда.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Радио

21 АВГУСТДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Халқ куйлари, 9.30 — Рубоо пьесалари, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ҳолимлари учун (тоғ), 10.30 — Хинд куйлари, 11.10 — Халқ контроли амада, 11.25 — Камер куйлари, 12.15 — Спорт эштинини (рус), 12.50 — Грузия радиоси иштирокини, 13.40 — Лйрик куйлар (рус), 16.15 — Ёшлар учун концерт, 17.20 — Ўйгур куйлари, 18.10 — Қўшиқлар (рус), 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Ёшлар» радиостанцияси, 20.15 — Эстрадал-рако концерти (рус), 21.20 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун концерт, 22.10 — Эстрадал концерти, 23.00 — Халфа ангилликлари, 23.15 — Музикали эштинини.

Телевидение

21 АВГУСТДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — Тирганадан тепалик (болалар учун), 17.25 — Телевизион янгиликлар. Рус тилида: 17.40 — Жақоннинг йўқолган вақти (қўнруқ фильм), 18.00 — Илмий-оммабол фильм, 18.20 — Телевизион янгиликлар, 18.35 — Реклама ва эълонлар, 18.40 — Киносавхатлар аъланамиз, 19.00 Концерт (Украин давлат рако ансамбли ижросида), 20.15 — Қўшиқ давом этганда (музикали кинокомедия), 21.40 — Эштинришлар програм. маси.

Ўзбек тилида: 21.45 — Телевизион миниатюралар («Ёшлар» студияси), 22.25 — Концерт (Ўзбекистон радио ва телевидение оркестри ва солистлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эштинришлари.

Театр

МУКМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/VIИ да Катта концерт, 22/VIИ да янги спектакль. Моно ер. Хамза номли театрининг эғзи бивосида — 21/VIИ да Ёшларда берган кўнгул.

Ҳуно

ҚИШКИ БИНОДА